

“ТАСДИҚЛАЙМАН”



ТошДУТАУ академик лицейи
директори Б.Адизов

“ 5 ” октябрь 2022-йил

БАҲОЛАШ МЕЗОНИДА ҚАТНАШАДИГАН ИШТИРОКЧИЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Иштирокчилар қуйидаги мезонларга жавоб бериши шарт:

- шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрларга оид ва бошқа ресурсларнинг борлиги;
- шартнома тузиш бўйича қонуний ҳуқуқга эга эканлиги ва имкониятлари;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорлик йўқлиги;
- уларга нисбатан банкротлик таомили киритилмаганлиги;
- ноҳалол ижрочиларнинг ягона реестрида улар ҳақида қайднинг мавжуд эмаслиги.
- Тижорат таклифи

Иштирокчилар ишларни бажариш (хизмат кўрсатиш) учун зарур мутахассислар ва ресурсларга, касбий ва техник малакага, шу каби ишларни бажаришда етарли тажриба ва кўникмага, шартномани тузиш пайтида фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги ваколатга эга бўлиши керак.

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ БЎЙИЧА ҲУЖЖАТЛАР

Академик лицейга Республиканинг барча вилоятларидан келиб, ўқувчилар ётоқхонасида яшаб ўқийдиган ўқувчилар учун имтиёзли уч маҳал иссиқ овқатланишини ташкиллаштириш бўйича иш ва хизмат бажарувчи ташкилотлар ўртасида баҳолаш мезони орқали танлов эълон қилади.

Буюртмачи: Тошкент шаҳар Яккасарой тумани Боғибўстон кўчаси 62-уй.

Молиялаштириш манбаи: А.Навоий номидаги ТошДУТАУ академик лицейи бюджет маблағлари ҳисобидан.

Баҳолаш мезонида иштирок этиш учун иш бажарувчи ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим: Ўқувчилар учун тайёрланадиган озиқ-овқат маҳсулотларини малака ва кўникмага эга бўлган ошпазлар томонидан гигиеник қоидаларга риоя қилган ҳолда тайёрланиши керак ва битта ўқувчига бериладиган озиқ-овқат маҳсулотларининг калоррияси нормага асосан тўғри келиши керак,

шартномани тузиш пайтида фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги ваколатга эга бўлиши керак.

Буюртмачининг бошланғич нархи: Бошланғич нархи

1. Бюджет ҳисобидан – 53 460 000 сўмни

Иш ва хизматни бажариш муддати – 2 (ноябр, декабр) ойлари.

Баҳолаш мезони бўйича иштирокчилар: Қўшимча маълумот олиш учун баҳолаш мезони ташкилотчиси Тошкент шаҳар Яккасарой тумани Боғибўстон кўчаси 62- уйга мурожаат этишлари мумкин.

Бош ҳисобчи



Р.Инаятов